

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/27.02.2020.F.72.08. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САПАЕВ ҒУЛОМЖОН БАХТИЯРОВИЧ**

**МУНИС ХОРАЗМИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ВА**  
**МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҚАРАШЛАРИ**

**09.00.03– Фалсафа тарихи**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
philosophical sciences**

**Сапаев Гуломжон Бахтиярович**

Мунис Хоразмийнинг ижтимоий-фалсафий ва  
маънавий-маърифий қарашлари.....5

**Сапаев Гуламджан Бахтиярович**

Социально-философские и духовно-просветительские взгляды  
Муниса Хорезми.....23

**Sapayev Gulomjon Bakhtiyarovich**

Socio-philosophical and spiritual-educational views of  
Munis Khorezmi.....44

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....48

**БУХОРОДАВЛАТУНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/27.02.2020.F.72.08. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САПАЕВ ҒУЛОМЖОН БАХТИЯРОВИЧ**

**МУНИС ХОРАЗМИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ВА**  
**МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҚАРАШЛАРИ**

**09.00.03 – Фалсафа тарихи**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Fal263 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сафарбоев Мадраҳим**

фалсафа фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Юнусова Гуландом Самиевна**

фалсафа фанлари доктори, доцент

**Файзиходжаева Дилбар Иргашевна**

фалсафа фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат шарқшунослик университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz))

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Наврўзова Г. Н.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Шарипов А. З.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
фалсафа фанлари доктори, доцент

**Саломова Х. Ю.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда глобаллашув даври ва цивилизациялар тўқнашуви авж олган ҳозирги даврда ўрта аср Шарқ фалсафасининг муҳим таркибий қисми бўлган Марказий Осиё мутафаккирлари ижтимоий-фалсафий ва маънавий-маърифий қарашларига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Айниқса, Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий ғояларининг юзага келиши, ривожланиши ва ўзининг юксак даражасига чиқишига таъсир кўрсатган омиллар ва мезонларнинг тарихий-фалсафий моҳияти, инсонварварликнинг дин ва фалсафа бағрида уйғунлашув сабабларини аниқлаш муҳим вазифага айланмоқда. Шу нуқтаи назардан ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиётида Мунис Хоразмий маънавий-маърифий қарашларини замонавий ёндошувлар ва тамойиллар асосида тадқиқ этиш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги аҳамиятини очиб бериш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида етакчи илмий марказлар, тадқиқот институтлари ва таълим муассасалари томонидан Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-фалсафий тафаккури, маърифатчилиги, улардаги умуминсоний қадриятларга содиқлик ва фалсафий-ахлоқий мазмунга эга ғояларни ўрганишга оид инновацион ҳамда илмий-фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ёшларнинг маънавий қиёфасини шакллантириш, уларни ёт мафкура, ғоявий таҳдид ва ахлоқий инқирозлардан ҳимоя қилишда Марказий Осиё мутафаккирлари таълимотларидаги инсонпарварлик тамойилларини замонавий илмий-фалсафий ёндашувлар асосида очиб бериш тобора муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу боис Мунис Хоразмий маънавий меросидаги муҳаббат, дўстлик, садоқат, вафодорлик каби тушунчаларни илмий тадқиқ этиш, диний-ирфоний ва гуманистик ғояларининг баркамол авлодни тарбиялашдаги аҳамиятини аниқлаш зарурати тобора ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда буюк алломаларнинг илмий-назарий меросини фалсафий идрок қилиш ва уни тарғиб этиш, ёш авлодни ўтмиш мутафаккирларининг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. “Томирларида буюк боболаримизнинг қони оқаётган ёшларимиз улуғ аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлиши, улар каби улкан мақсадлар сари интилиб яшаши ва юксак марраларга эришиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишимиз зарур. Янги Ўзбекистон ёшлари ана шундай юксак даражаларга кўтарилиши учун барча имкониятларни ишга соламиз”<sup>1</sup>. Бу борада XIX аср фалсафий тафаккур тараққиётида Мунис Хоразмий ижтимоий, маънавий-маърифий қарашларининг ўрни, тил, тафаккур, ақл ва ҳиссиёт, давлат ва уни бошқариш тамойиллари, ахлоқий камолот масалалари, нафс ва уни тарбиялаш каби ғояларининг илмий-фалсафий ва тарихий аҳамиятини асослаб бериш муҳим аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021. – Б.263.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 10 февралдаги ПҚ-126-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги 23-сон “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда Мунис Хоразмийнинг бадиий ижодини шарқшунос олимлар А. Вамбери, А. Самойлович ва М. Кўприлизода, мутафаккирнинг “Фирдавс ул-иқбол” тарихий асарини Европага таништиришда Ю. Брегель тадқиқотлари алоҳида аҳамиятга эга<sup>2</sup>.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги олимлари А. Кун, В. Бартольд, П. Иванов мутафаккир ижодининг Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишдаги аҳамиятини, Е. Бертельс, В. Жирмунский, Н. Конрад эса мутафаккир бадиий ижодини Европа адабиёти билан қиёсий таҳлил этиб, унинг ижодига тасаввуфнинг таъсирини тадқиқ этишган<sup>3</sup>.

Мамлакатимизда мустақилликкача бўлган даврда эса адабиётшунос Ю. Юсупов томонидан Мунис Хоразмийнинг шеърий асарлари ўрганилиб, нашр қилинган. Шунингдек, Қ. Муниров, Айёмий, Т. Аҳмедов, Н. Жумаев, С. Ҳасановлар мутафаккир ижодини илмий ёритишга қаратилган тарих,

<sup>2</sup> Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – СПб. 1865. – 221 с.; Самойлович А.Н. Турецкие этюды. – РНБ, Ф.671, ед. хр. 100. – 872 лл.; Кўприлизода М.Ф. Турк адабиётида илк мутасаввифлар. – Анқара, 1984 (турк тилида) – 274 б. Брегель Ю. Мунис-Агахи. Фирдавс-ул-иқбол. Научно-критический текст. – Лейден, 1989. – 284 с.

<sup>3</sup> Кун А.Л. Заметки о Хивинском ханстве // Туркестанские ведомости. – Т.: 1873. № 40. – С.17-25; Бартольд В.В. События перед Хивинском походом 1873 года по рассказу хивинского историка. // Кауфманский сборник. – Москва, 1910. – С.1-19; Иванов П.П. Архив хивинских ханов XIX в. – Ленинград: Салтыкова-Щедрина, 1940. – 289 с.; Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. // Избранные труды в 5 т. – Москва: Наука, 1965. Т. 3. – 324 с.; Жирмунский В.М. Проблемы сравнительно-исторического изучения литератур // Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. – Ленинград, 1979. – 493 с.; Конрад Н.И. Запад и Восток. Изд. 2. – Москва: Наука, 1972. – 517 с.

адабиётшунослик ва педагогика фанлари соҳасида тадқиқотларни амалга оширганлар. Мустақиллик йилларида Ш. Воҳидов, И. Бекжанов, Н. Полвонов, Н. Жумахўжа, С. Рўзимбоев, А. Аҳмедовлар томонидан Мунис Хоразмийнинг “Фирдавс ул-иқбол” тарихий асари нашрга тайёрланди. Шарқшунос олимлар Г. Халлиева, Ҳ. Назировалар томонидан шоир асарлари тарихий-адабий манба сифатида ўрганилган. У. Досчанова ва М. Аҳмедова эса XIX асрда яшаб ижод этган Хоразм мутафаккирлари қаторида Мунис Хоразмий дунёқарашидаги инсонпарварлик ғоялари ҳамда ижтимоий-ахлоқий қарашларини таҳлил қилганлар<sup>4</sup>.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон адабиётшунослари, тадқиқотчиларининг илмий изланишларидан унумли фойдаланилди. Тадқиқотда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, Мунис Хоразмий ижтимоий-фалсафий ва маънавий-маърифий қарашлари фалсафий-тарихий нуқтаи назардан замонавий ёндошувлар асосида таҳлил қилинди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Урганч давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятини оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” (2020-2025 йй.) тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Мунис Хоразмийнинг ижтимоий-фалсафий ва маънавий-маърифий қарашларининг ҳозирги давр учун илмий-назарий ва амалий аҳамиятини очиб беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

XIX аср Хоразм ижтимоий-сиёсий муҳитнинг Мунис Хоразмий дунёқарашига таъсири, мутафаккир ижтимоий-фалсафий ва маънавий-маърифий қарашларининг ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихида тутган ўрнини илмий асослаш;

Мунис Хоразмийнинг борлиқ ва оламни билиш ҳақидаги қарашларини тадқиқ этиш;

Мунис Хоразмийнинг “Мунис ул-ушшоқ” ва “Фирдавс ул-иқбол” асарларида давлат ва уни бошқариш тамойилларини таҳлил этиш ва бугунги кун учун аҳамиятини очиб бериш;

---

<sup>4</sup> Мунис, Шермуҳаммад. Танланган асарлар // Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Ю.Юсупов – Т.: Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1957. – 384 б.; Муниров Қ. “Хоразмда тарихнавислик” (XVII-XX аср бошлари) – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 2002. – 192 б.; Айёмий. Ўт чакнаган сатрлар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983. – 180 б.; Аҳмедов Т. Мунис. – Т.: Фан, 1980. – 48 б.; Ҳасанов С. Хоразм маънавияти дарғалари. – Т.: Адолат, 2001. – 224 б.; Жумаев Н. Мунис ғазалиёти. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – 160 б.; Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. / Нашрга тайёрловчилар: Ш.Воҳидов, И.Бекжанов, Н.Полвонов. – Т.: Янги аср авлоди, 2010. – 520 б.; Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол / Нашрга тайёрловчилар: Н.Жумахўжа, С.Рўзимбоев, А.Аҳмедов. – Т.: “Ўқитувчи”, 2010. – 384 б.; Халлиева Г. А.Н.Самойлович ва XIX аср Хоразм адабий муҳити. XX аср Россия шарқшунослиги ва ўзбек мумтоз адабиёти. – Т.: Муҳаррир нашриёти, 2018. – 276 б.; Назирова Ҳ. Хонлар алкаган муаррих. – Т.: Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2021. – 76 б. Досчанова У. XIX аср Хоразм мутафаккирлари дунёқарашида гуманистик ғоялар: Фалс.фанл.номз...автореферати – Тошкент, 2011. – 24 б.; Аҳмедова М. Тафаккур тараққиёти тарихида XIX аср Хоразм мутафаккирлари ижтимоий-ахлоқий қарашлари: Фалс. Фанл.бўй.фалс.докт.(PhD) диссерт...автореферати. – Самарқанд. 2019. – 40 б.

Мунис Хоразмий гуманистик қарашларида ахлоқий камолот масалалари, ҳурфикрлик, нафс ва уни тарбиялаш йўллари таҳлил этиш ҳамда уларнинг аксиологик аҳамиятини асослаш;

Мунис Хоразмий маънавий меросининг гуманистик моҳияти ҳамда баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрни ва аҳамиятини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Мунис Хоразмий маънавий меросидаги ижтимоий-фалсафий қарашлар танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Мунис Хоразмийнинг “Девони Мунис”, “Мунис ул-ушшоқ”, “Фирдавс ул-иқбол”, “Саводи таълим” асарларидаги ижтимоий-фалсафий ва маънавий-маърифий қарашларнинг ҳозирги даврдаги аҳамиятини асослаб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда анализ ва синтез, диалектик, ретроспектив таҳлил, қиёсий таҳлил, тизимлилик, синергетик ва функционал таҳлил каби тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

XIX аср Хоразм ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиётида Мунис Хоразмийнинг халқнинг турмуш даражасини кўтариш, тинчлик ва фаровонликни таъминлаш, одиллик ва халқпарварликка оид ижтимоий-фалсафий ҳамда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварликка оид маънавий-маърифий қарашлари муҳим аҳамият касб этганлиги асосланган;

Мунис Хоразмийнинг борлиқ фалсафасига алоқадор табиат ва инсон борлиғи, вақт, ҳаракат, гносеологик қарашлари мазмунидаги тил, тафаккур, ақл ва ҳиссиётга оид пантеистик (олам ва одамнинг ягона яратувчиси Оллоҳ), антропологик (инсон олий қадрият), гуманистик (халқпарварлик, инсон камолоти) ғоялари диалектик тамойиллар асосида очиб берилган;

“Мунис ул-ушшоқ” ва “Фирдавс ул-иқбол” асарларидаги давлат ва уни бошқаришнинг адолатпарварлик, жаҳолатга қарши маърифат, тинчликпарварлик, жамият манфаатлари устуворлиги каби тамойилларнинг давлат ва жамият бошқарувида инсон қадрини юксалтириш, халқпарвар давлат барпо этиш, қонун устуворлигини таъминлаш, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, маънавий тараққиётни таъминлашдаги аҳамияти асослаб берилган;

маърифатпарвар шоирнинг диний-ирфоний ва гуманистик ғоялари мазмунидаги муҳаббат, дўстлик, садоқат, вафодорлик каби инсоний фазилатларнинг аксиологик талқини асосида уларнинг баркамол авлодни юксак маънавият, фидойилик ва ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялаш зарурати асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Мунис Хоразмийнинг дунёқарашини тадқиқ этиш асосида XVIII-XIX асрлар Хоразм ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихида кам ўрганилган мутафаккир меросини тадқиқ этишга қаратилган услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

мутафаккирнинг ижтимоий-фалсафий ва маънавий-маърифий қарашларидан ғоявий таҳдидларга қарши ёшлар онгида мафкуравий иммунитетни шакллантиришга оид тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

мутафаккир асарларида илгари сурилган ижтимоий-фалсафий ва маънавий-маърифий ғоялардан таълим-тарбия ҳамда тарғибот ишларида назарий-методологик асос сифатида фойдаланиш мумкинлиги асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, ёндашув услублари, тадқиқот усуллари ва илмий маълумотларнинг расмий манбалар ва ишончли далиллардан олинганлиги, нашр этилган илмий мақолалар, республика ва халқаро конференцияларда синовдан ўтказилганлиги, тадқиқот иши натижалари юзасидан берилган хулосалар, тақлифлар ишлаб чиқилганлиги ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илгари сурилган илмий умумлашма ва хулосалардан буюк аждодларимизнинг илмий анъаналарини муносиб давом эттиришда, ижтимоий-фалсафий ва маънавий-маърифий билимларни ривожлантиришда, ёшларни маънавий-ахлоқий этиб тарбиялашга оид фаолиятни олиб боришда, маданий-маърифий муассасалар, маҳалла, оила марказлари, интеллектуал салоҳиятни ўстириш билан шуғулланувчи ёшлар ижодий марказлари фаолиятида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса илмий-тадқиқот марказлари фаолиятини такомиллаштиришда, болалар ва ўсмирларни маънавий камол топтиришга йўналтирилган буюк мутафаккирлар, аждодларимизнинг маънавий жасорати, қаҳрамонликлари тўғрисидаги китоб ва электрон қўлланмалар нашр этишда, “Фалсафа”, “Ахлоқшунослик”, “Ислом фалсафаси”, “Маънавиятшунослик”, “Шарқ мутафаккирларининг илмий мероси”, “Касбий маънавият” фанларидан дарслик, ўқув қўлланмаларни такомиллаштиришда, шунингдек, маънавий тарғибот фаолияти билан шуғулланувчи марказларининг ёш авлодни тарбиялашга оид профилактик тадбирлар ва мафкуравий тарғибот фаолиятида, маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш фаолиятида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мунис Хоразмийнинг ижтимоий-фалсафий ва маънавий-маърифий қарашларининг назарий ва амалий аҳамияти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

XIX аср Хоразм ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиётида Мунис Хоразмийнинг халқнинг турмуш даражасини кўтариш, тинчлик ва фаровонликни таъминлаш, одиллик ва халқпарварликка оид ижтимоий-фалсафий ҳамда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварликка оид маънавий-маърифий қарашлари муҳим аҳамият касб этганлигига доир илмий-назарий хулосалар Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти ва Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида бажарилган ПЗ-201709303386 “Ўзбекистонда миллий қадриятлар. диний бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибат

муҳитини мустаҳкамлаш ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда фалсафий меросни ўрнини илмий тадқиқ этиш асосида Ўзбекистон фалсафаси тарихи (3 томлик, ўзбек тилида) китобининг III томини нашрга тайёрлаш” (2018-2020 йй) мавзудаги илмий-амалий грант лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон файласуфлари миллий жамиятининг 2021 йил 29 апрелдаги 15-сон маълумотномаси). Натижада, “Ўзбек фалсафаси тарихи” китобининг III жилдидаги маърифатпарвар олим Мунис Хоразмийга бағишланган “Шермуҳаммад Амир Авазбий ўғли Муниснинг фалсафий қарашлари” бобининг мазмунини бойитишга хизмат қилган;

Мунис Хоразмийнинг борлиқ фалсафасига алоқадор табиат ва инсон борлиғи, вақт, ҳаракат, гносеологик қарашлари мазмунидаги тил, тафаккур, ақл ва ҳиссиётга оид пантеистик (олам ва одамнинг ягона яратувчиси Оллоҳ), антропологик (инсон олий қадрият), гуманистик (халқпарварлик, инсон камолоти) ғояларининг диалектик хусусиятларига оид илмий янгилик ва тақлифларидан “Ичан-қалъа” давлат музей-қўриқхонасининг “Хоразм давлати хонлари тарихи”, “Огаҳий” музейи экспозицияларнинг матнлари, кўرғазма ва фондини янги маълумотлар билан бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 10 майдаги 04-12-08-2387-сон маълумотномаси). Натижада, XVIII-XIX асрлар Хоразм ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидаги мавжуд бўшлиқни тўлдириш, шунингдек, миллий тарихимизга оид музейлар фондини ҳамда “Ичан-қалъа” давлат музей-қўриқхонаси “Хоразмнинг дурдона битиклари” экспозициясини мазмунан бойитишда, аждодларимиз маънавий меросини жаҳон ҳамжамиятига етказишда, аждодларимизга бўлган ҳурмат-эҳтиромни юксалтиришга хизмат қилган;

“Мунис ул-ушшоқ” ва “Фирдавс ул-иқбол” асарларидаги давлат ва уни бошқаришнинг адолатпарварлик, жаҳолатга қарши маърифат, тинчликпарварлик, жамият манфаатлари устуворлиги каби тамойилларнинг давлат ва жамият бошқарувида инсон қадрини юксалтириш, халқпарвар давлат барпо этиш, қонун устуворлигини таъминлаш, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, маънавий тараққиётни таъминлашдаги аҳамиятига оид хулосалар ва амалий тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат маркази “Халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса ёшлар ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга доир тадбирлар” 33-банди “12 ойга - 12 аллома” лойиҳасини амалга оширишда, буюк аждодларимиз ҳаёти, илмий ва маънавий-маърифий мероси ҳақида рисоалар тайёрлаш ва чоп этиш, танловлар ўтказишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 5 майдаги 02/08-502-сон маълумотномаси). Натижада, мутафаккир асарларида илгари сурилган ижтимоий-фалсафий ва маънавий-маърифий ғоялар таълим-тарбия ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларида назарий-методологик асос сифатида ҳамда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигининг ошишига хизмат қилган;

маърифатпарвар шоирнинг диний-ирфоний ва гуманистик ғоялари мазмунидаги муҳаббат, дўстлик, садоқат, вафодорлик каби инсоний фазилатларнинг аксиологик талқини асосида уларнинг баркамол авлодни юксак маънавият, фидойилик ва ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялашга оид назарий умумлашма ва амалий таклифлардан Хоразм вилоят телерадиокомпаниясининг 2020-2021 йилларда эфирга узатилган маънавий-маърифий ва тарбиявий мавзудаги “Маънавият сабоқлари”, “Мукамаллик” телекўрсатувларнинг дастур сценарийлари, “Ассалом Хоразм!” кўрсатувининг “Кун меҳмони” рукнини тайёрлашда фойдаланилган (Хоразм вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 20 апрелдаги 09-05/21-75-сон далолатномаси). Натижада, телетомошабинларда ёш авлодни юксак маънавият, фидойилик ва ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялаш зарурати асосланган ҳамда маънавий-маърифий йўналишда телекўрсатувлар тайёрлашда тарғибот ва ташвиқот, таълим-тарбиявий, назарий-методологик асос сифатида хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, шундан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола (2 таси хорижий, 8 таси республика журналларида) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, саккиз параграфдан иборат уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 153 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги тавсифланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети ва усуллари ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган ҳамда диссертация натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**XVIII – XIX асрлар Хоразм ижтимоий-фалсафий тафақури тарихида Мунис Хоразмийнинг тутган ўрни**” деб номланган биринчи боби Мунис Хоразмийнинг маънавий мероси замонавий ёндошув ва илмий билиш услублари асосида таҳлил қилинган. XIX аср Хоразм ижтимоий-

сиёсий муҳитининг Мунис дунёқарашига таъсири, мутафаккирнинг ижтимоий-фалсафий ва маънавий-маърифий қарашларининг ғоявий манбалари таҳлили амалга оширилган ҳамда мутафаккирнинг Хоразм ижтимоий-фалсафий тафақури тарихида тутган ўрни илмий асослаб берилган.

Мунис Хоразмий (асл исми Шермуҳаммад Амир Авазбий ўғли. 1778-1829 йй.) ўз даврининг истеъдодли шоири, моҳир таржимон ва хаттоти, тарихнавис ва маърифатпарвар олими сифатида “Девони Мунис”, “Мунис ул-ушшоқ”, “Фирдавс ул-икбол”, “Орналар”, “Саводи таълим” каби асарларни мерос қилиб қолдирган. У XV аср тарихчиси Мирхонднинг машҳур “Равзат ус-сафо” асарининг I жилди ва II жилднинг бир қисмини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган.

Диссертацияда Мунис Хоразмийнинг маънавий меросига собиқ шўролар даврида сиёсий мафкура ва коммунистик ғоялар таъсирида, ноҳолис муносабат билдирилганлиги, шоир ижоди бўйича ўша давр талабларидан келиб чиқиб асарлар нашр этилганлиги таҳлил қилинган. Т.Ахмедов шоирнинг ислом дини ва дин пешволари ҳақидаги салбий фикрларини мутлақлаштириб, “Мунис ғазалларида шайх, зоҳид, воиз каби салбий образлар мавжуд”<sup>5</sup> ва “Мунис масжиддан майхонани файзли деб устун кўяди”<sup>6</sup>, дея мутафаккирнинг бундай ғазалларига тор доирада ёндашганлиги таъкидланган.

Мунис Хоразмий яшаб ижод этган XVIII аср охири ва XIX аср бошлари Хива хонлигидаги ижтимоий-сиёсий муҳит ҳамда халқнинг ижтимоий-маиший турмуш тарзи баён этилган бўлиб, унинг мутафаккир дунёқарашига таъсири очиб берилган. Бу даврда Хива хонлиги мустақил давлат сифатида шаклланган, кўшни давлатлар, айниқса, Россия билан савдо-сотик ривожланган. Натижада хонликда иқтисодий ўсиш кузатилган, адабиёт, фан ва маданият ривож топган. Шу билан бирга ички низолар кучайиб, хонларнинг халққа қилган зулми ошиб борган. Бу эса хонликда тез-тез халқ кўзғолонлари бўлишига олиб келган. Масалан, 1826 йилда Мурғоб воҳасида туркманларнинг, Ойдўстбий бошчилигида қорақалпоқларнинг кўзғолони бўлиб, хон кўшинлари томонидан шафқатсизларча бостирилган. Бу кўзғолонлар ҳақида Огаҳий ўзининг “Риёз уд-давла” асарида аниқ ва ишонарли маълумотларни қайд этган<sup>7</sup>. Албатта бундай ижтимоий-сиёсий муҳит Мунис Хоразмийнинг дунёқарашига катта таъсир кўрсатган ва бу ҳолат унинг ижодида халқпарварлик мотивларининг юксакликка кўтарилишига сабаб бўлган.

Шунингдек, ушбу бобда Мунис Хоразмий дунёқарашининг ғоявий манбалари бўлиб хизмат қилган оила муҳити ва ижодий мулоқотлар, халқ оғзаки ижоди, ислом ва тасаввуф фалсафаси, тарихнавислик ва таржима мактаблари, мадраса таълими, шарқ мутафаккирларининг, айниқса, Алишер Навоийнинг таъсири кучли бўлганлиги таҳлилга тортилган:

Қилса ҳосид даҳли бежо аро йўқтур ғамим,

<sup>5</sup> Ахмедов Т. Мунис. – Тошкент: Фан, 1980.– Б. 41.

<sup>6</sup> Ахмедов Т. Мунис. – Тошкент: Фан, 1980.– Б. 39.

<sup>7</sup> Огаҳий. Риёз уд-давла // Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, изоҳлар муаллифи ҳамда форсий матнлар таржимони А.Ўрозбоев. – Урганч: “Қувончбек-Машҳура”, 2021. – Б. 90-95.

Ким бу маънида Навоий руҳи ҳомийдур манга<sup>8</sup>.

Диссертация ишида Мунис Хоразмийнинг маънавий мероси таҳлилидан келиб чиқиб, XVIII-XIX асрлар Хоразм ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихида шоирнинг тутган ўрнини диссертант қуйидагилар билан изоҳланган:

1) Мунис Хоразмий XVIII-XIX асрларда Хоразм ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихида маърифатпарварлик оқимининг асосчиси ва ушбу оқимнинг ривожланишини бошлаб берган мутафаккирдир.

2) XVIII-XIX асрлардаги Хоразм таржима мактабининг дастлабки йирик вакилидир.

3) XVIII-XIX асрлар Хоразм тарихнавислик мактабининг йирик вакили сифатида, Хоразмнинг энг қадимги даврдан 1825 йилгача бўлган давр тарихидан маълумот берувчи “Фирдавс ул-икбол” асарининг муаллифидир. Ўша асар тарих фалсафасининг шаклланиши ва ривожланишига катта таъсир кўрсатган.

4) Моҳир педагог ва маърифатпарвар олим сифатида “Саводи таълим” рисоласини ёзиш орқали, у яшаган даврдаги таълим-тарбия ишларини сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтарган.

5) Ирригация ва қишлоқ хўжалигига оид “Орналар” илмий асари орқали суғорма деҳқончиликка асосланган Хоразмда мироблар сулоласини тарбиялаш ва улар билимини оширишда муҳим рол ўйнаган.

6) Шарқ уйғониш даври тафаккурининг юксак чўққиси бўлган Алишер Навоийнинг инсонпарварлик ғояларининг Хоразмда оммалашуви ва кенг тарқалишига катта ҳисса қўшган.

7) Ўз даврининг моҳир ҳаттоти сифатида ушбу санъатнинг ривожига катта ҳисса қўшган.

Диссертациянинг **“Мунис Хоразмийнинг ижтимоий-фалсафий ва сиёсий қарашлари”** деб номланган иккинчи бобида Мунис Хоразмийнинг онтологик ва гносеологик, ижтимоий ва маънавий-маърифий қарашлари, мутафаккирнинг “Мунис ул-ушшоқ” ва “Фирдавс ул-икбол” асарларидаги давлат ҳамда уни бошқариш тамойилларига оид ғоялари тизимга солиниб, таҳлил қилинган.

Шунингдек, мазкур бобда борлик, олам ва одам, уларнинг яралиши, ҳаракат, вақт, оламдаги мавжуд нарсаларнинг моҳияти ва ўзаро муносабати, шоирнинг билишга оид фикрлари, билиш шакллари ва усуллари ҳақида фикр юритилган.

Тадқиқотчининг таъкидлашича, мутафаккир Еру Осмон ва бутун борлик, шу жумладан, инсон ҳам Аллоҳнинг иродаси билан яратилган. Барча мавжудликнинг сабабчиси, ягона Худодир деб билиб, барча яратилганлар ичида тожи ва энг азизи инсон деб таърифлайди:

Халифа айлаб одамни жаҳон мулки уза қўйдунг,  
Бошига тожкаррамнову бердинг мансаби иззат<sup>9</sup>.

<sup>8</sup> Мунис. Мунис ул-ушшоқ (мукаммал девон) // ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди. Инв. № 940. – 6 а-б варак.

<sup>9</sup> Мунис. Мунис ул-ушшоқ (мукаммал девон) // ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди. Инв. № 940. – 53-варак.

Мутафаккир борлиқ масаласига диний-тасаввуфий нуктаи назардан ёндашиб, онтологик қарашларини илоҳиёт билан боғлаган.

Мунис Хоразмий ҳам бошқа Марказий Осиё мутафаккирлари сингари, биз яшаётган оламдан ташқари бошқа оламлар борлиги, инсоният учун абадий дунё бўлмиш дўззах ва жаннат мавжудлиги тарафдори бўлган. Жаннатни оламлар ичида энг гўзали деб билади<sup>10</sup>.

Мунис Хоразмий, борлиқдаги, табиатдаги ҳар бир ҳодиса ва жараёнлар ўз-ўзидан рўй бермай, ҳар бир ҳаракат зарурий ҳодиса бўлиб, маълум бир мақсадлар учун табиий равишда рўй беради, аниқроғи ривожланишга хизмат қилади, деган хулосага келган:

Кун ҳамалга кирди эрса, келди олам наврўзи,  
Кечти Баҳман, замҳарир қиш, қолмади қори, музи.  
Кун кела минг кўрки ортиб, тирилур ўлмиш жаҳон,  
Тонг пазирлаб нақши бирла безанур бу ер юзи<sup>11</sup>.

Мунис борлиқни иккига – табиий (материя) ва маънавий (инсон) борлиққа ажратган. Инсон борлиғи унинг маънавий олами, иймони бўлиб, ушбу омиллар ёвузликни эзгуликка, зулматни ёруғликка айлантирувчи восита ва машъала деб ҳисоблаган:

Имон чароғин инсонга бердинг,  
Зулмат ичида фош айладинг нур<sup>12</sup>.

Дунёни билишда сўзининг яратувчилик вазифасига алоҳида эътибор қаратиб, сўз шарофати билан инсоният оламини, дунёни билади, ўзлигини англайди. Сўз инсонга Аллоҳ томонидан берилган илоҳий неъмат бўлиб, у кишилар ўртасидаги алоқа воситаси ва дунёни билишнинг қуролидир. Бу масалада шоир сўзнинг ёзма шакли бўлган ёзувнинг ҳам ўрнини юқори баҳолайди:

Ҳар сўзки, кўнгулдин ўлди мавжуд,  
Хат бўлмаса, бўлғай эрди нобуд.  
Қуръонки, эрур худо каломи,  
Хат ичра аён бўлур тамоми<sup>13</sup>.

Шунингдек, у оламини билишда илоҳий ва ҳиссий сезгиларнинг, ақлнинг ўрни муҳим эканлигини таъкидлайди. Аллоҳни ва ботиний оламини илоҳий, борлиқдаги биз кўриб турган нарсаларни сезгилар ва ақлимиз ёрдамида биламиз дейди ва ҳиссий билиш билан ақлий билиш ўртасида иккиланади:

Гаҳ ақл ўлдинг, гаҳи жунунлиғ қилдинг,  
Фикри шарафу хаёли дунлиғ қилдинг<sup>14</sup>.

Мунис билишда инсонлар ўртасидаги мулоқот жараёнига эътибор берган. Яхши-ю ёмон ҳодисалар, айниқса, инсонлар фақат мулоқотда билинади.

<sup>10</sup> Мунис Хоразмий. Сайланма / Нашрга тайёрловчи: Ю.Юсупов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б. 238.

<sup>11</sup> Мунис. Мунис ул-ушшоқ (мукамал девон). // ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди. Инв. № 940. – 131 а-варақ.

<sup>12</sup> Мунис. Мунис ул-ушшоқ (мукамал девон). // ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди. Инв. № 940. – 78 б-варақ.

<sup>13</sup> Мунис Шермухаммад. Саводи таълим // Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Н.Жумахўжа. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б. 15.

<sup>14</sup> Мунис Хоразмий. Сайланма. // Нашрга тайёрловчи: Ю.Юсупов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б. 326.

Билимнинг чинлиги ёки сохталиги ижтимоий амалиётда, мулоқотда текширилади деб билган. Бу масалада шоир шундай ёзади:

Нахли тарабим ўйла қурубдурки, баҳори  
Не барг чекар бош, на қилур реша мулоқот.  
Мунис, гуҳари фикру каломимға сочарлар,  
То қилди манга дилбари андиша мулоқот<sup>15</sup>.

Диссертант Мунис Хоразмий замонасидаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, жамиятдаги хон ва амалдорларнинг халқга адолатсиз муносабати, замондошларидан норозилиги, замонасининг турли ижтимоий иллатларини танқид қилганлиги ҳамда мутафаккирнинг маърифий-қарашларини таҳлил қилган.

Тадқиқотда мутафаккир ўз асарларида ўша даврдаги тубан иллатларни, кишиларнинг ахлоқсизлиги, жамиятда бойликка ўчликни, шоҳларнинг тахт учун кураш йўлидаги қабих ишларини қоралагани таъкидланади. Жамиятда авж олган ўзбошимчалик, зўравонлик, иккиюзламачилик, фирибгарлик, ўғрилик, порахўрлик, талончилик каби иллатларни, айниқса ўз даврининг бой ва амалдорларини очик танқид қилади. Асосий бойликлар, ер, сувга эга бўлган руҳонийлар, қози ва амалдорлар каби хукмрон синфнинг деҳқонларни хонавайрон қилаётганини кўрқмай фош қилади:

Не умид ул шаҳдин ўлгайким, эрур навкарлари,  
Сарсари аллофлар, саллоҳлар, ҳалложлар<sup>16</sup>.

Маърифий қарашларида эса, таълим олиш ва илм ўрганиш, касб-хунарга эга бўлиш инсон ҳаётида муҳимлиги, жамият фаровонлиги ва мамлакат тараққиёти таълим ҳамда илм-фаннинг ривожига боғлиқлиги, шунинг учун жамиятда зиёли ва муаллимлар кадрланиши, ёшлар таълим-тарбиясига катта эътибор бериш лозимлигини таъкидлайди.

Аҳли дониш бирла ҳар дам айлангиз базм китоб,  
Жамъи нодонлар била изҳори улфат қилмангиз<sup>17</sup>.

Шоир ўзининг маърифатпарварликка оид асарларида ёшларнинг илм ўрганиши, сифатли таълим-тарбия олишига оид қимматли ғояларни илгари сураётган экан, халқни саводли қилиш, ёшларнинг ўқиш ва ёзишни билишнинг аҳамиятини кўрсатиб берган. Хусусан, унинг таълим-тарбия ва маърифатга бағишланган йирик асарларидан бири “Саводи таълим” рисоласида, илм-фан, мактаб, ўқув-тарбияга доир фикр-мулоҳазалари батафсил ёритилган:

Хат айлар ўз аҳлини мукаррам,  
Ҳаттиға чекиб улусни ҳар дам<sup>18</sup>.

Умуман, диссертант Мунис Хоразмий, давр жаҳолати ва зиддиятига қарамасдан, маърифат байроғини юксакликка кўтарди, деган хулосага келган.

<sup>15</sup> Мунис Хоразмий. Сайланма. // Нашрга тайёрловчи: Ю.Юсупов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б. 260.

<sup>16</sup> Мунис. Мунис ул-ушшоқ (мукамал девон). // ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди. Инв. № 940. – 94а-варақ.

<sup>17</sup> Мунис. Мунис ул-ушшоқ (мукамал девон). // ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди. Инв. № 940. – 100б-101а-варақлар.

<sup>18</sup> Мунис Шермухаммад. Саводи таълим // Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Н.Жумахўжа. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б.15.

Мазкур бобда давлат бошқаруви ва кадрлар сиёсати, шоҳ ва амалдорлар халқ билан қандай муносабатда бўлиш кераклиги, бошқарувда нималарга эътибор қаратиш лозимлигига оид ғоялари илк бор таҳлил қилинган.

Диссертант томонидан мутафаккирнинг сиёсий қарашлари кўпроқ “Адолат”, “Манга”, “Шуаро”, “Хос ўлуб жоҳ аҳлиға”, “Бу замон ичра” каби ғазалларида, шунингдек, “Фирдавс ул-иқбол” тарихий асарларида ўз аксини топганлиги, иқтибослар келтирилган ҳолда ёритилган.

Мунис Хоразмий фикрича, адолат мамлакат осойишталиги ва фуқаролар эркинлигини таъминлашнинг воситаларидан бири бўлиб, у халқ манфаатини ноҳақлик, адолатсизлик, зўронликдан ҳимоя қилувчи сифатида хизмат қилиши керак. Адолат подшоҳ билан фуқаролар ўртасидаги муносабатни белгиловчи, тинчлик ўрнатиш ва халқнинг эртанги кунига ишончини мустаҳкамловчи омилдир. Шоир наздида, адолат ва одил судлов ишлари йўлга қўйилган мамлакатнинг подшоҳигагина фуқаролар садоқат билан хизмат қилиб, халқнинг ҳурмати ва чинакам муҳаббатига сазовор бўлади:

Сабот истасанг мулк бунёдига,  
Адолат била ет улус додига.  
Адолатдин ўлди эл осойиши,  
Эл осойиши – мулк оройиши<sup>19</sup>.

Агар подшоҳ мамлакатининг гуллаб-яшнашини, ўзи эса узоқ умр кўриб, шу тахтда умрининг охиригача ўтиришни истаса, фуқаролар арзини тинглаши ҳамда уларни рози қилиши керак. Шу нуқтаи назардан Мунис шоҳларни икки тоифага – одил ва золим шоҳга ажратиб, “адолат мулкини тузатиб” фуқароларининг оч ва тўқлигидан хабар олиб турувчи ҳукмдорни одил ва доно шоҳ деб таърифлайди:

Шоҳ улдурки, адолат ила мулкин тузатиб,  
Бўлса ғамгин фуқаро очиға, хуррам тўқиға<sup>20</sup>.

Ёки:

Ситамкорлиғ мамлакатни бузар,  
Адолат бузуқ мулкларни тузар<sup>21</sup>.

Диссертант шоирнинг сиёсий қарашлари таҳлилидан келиб чиқиб, мутафаккир томонидан илгари сурилган давлат бошқарувига оид тамойилларни тизимга солиб, қуйидагича кўрсатган: 1. Адолатпарварлик; 2. Кенгаш орқали бошқариш (сарой аъёнлари билан кенгашиш); 3. Аҳли донишга ғамхўрлик (саройга фозилу фузалоларни тўплаш); 4. Армиянинг (навкар) аҳволдан хабардорлик; 5. Ворисийлик; 6. Огоҳлик; 7. Халқпарварлик; 8. Тенглик; 9. Юрт тинчлиги; 10. Мулк ободлиги; 11. Ҳақпарварлик (Аллоҳга эътиқод); 12. Шариатпарварлик; 13. Ҳақиқатпарварлик; 14. Меҳр-шафқатлилик; 15. Саховатпешалик; 16. Ғафлатга берилмаслик; 17. Маишатпарастликдан қочиш.

<sup>19</sup> Мунис Хоразмий. Сайланма. // Нашрга тайёрловчи Ю.Юсупов. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. –Б. 16.

<sup>20</sup> Мунис Хоразмий. Сайланма. // Нашрга тайёрловчи: Ю.Юсупов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б. 215.

<sup>21</sup>Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. // Нашрга тайёрловчилар: Н.Жумахўжа, С.Рўзимбоев, А.Аҳмедов. – Тошкент: Ўқитувчи, 2010. – Б. 239.

Қиёслаш учун айтиш мумкинки, мутафаккирнинг шогирди ва жияни бўлган Огаҳий “Қасидаи насиҳат” асарида давлат бошқарувининг 21 та, шоҳ огоҳ бўлиши керак бўлган 20 та тамойилни айтади<sup>22</sup>.

Тадқиқот ишида Мунис Хоразмий шоҳ ва амалдорларни қанчалик одил ва адолатпарвар бўлишга даъват этмасин, ҳаётда бунинг аксини кўрганлигини, ҳафсаласи пир бўлиб, реал ҳаётда бундай шоҳнинг бўлишига ишонмасдан шубҳа билан қараганлиги ҳақида хулоса берилган. Зеро, шоир идеал шоҳни орзу қилган ва улуғлаган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Мунис Хоразмийнинг инсонпарварлик қарашлари ва уларнинг баркамол авлодни тарбиялашдаги аҳамияти”** деб номланган бўлиб, ушбу бобда мутафаккирнинг инсонпарварлик қарашларининг аксиологик жиҳатлари очиқ берилган, тасаввуфий қарашларида нафс ва уни тарбиялаш йўллари ҳамда шоир маънавий меросининг бугунги кун учун аҳамияти тадқиқ қилинган.

Диссертацияда мутафаккирнинг эзгу инсоний фазилатлар ҳақидаги қарашлари таҳлилга тортилган. Шоирнинг гуманистик қарашларида дўстлик ва ўзаро ишонч, садоқат, меҳр-оқибат ва мурувват, инсониятга бўлган севги ва муҳаббат, меҳр-шафқат, тенглик, ҳалоллик, фидойилик, саҳийлик, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик каби ахлоқий тушунчалар асосий ўрин эгаллайди. Қолаверса, халқпарварлик, хушмуомалалик, адолатпарварлик, мардлик каби олийжаноб инсоний фазилатларни қадрлаб, уларнинг акси бўлган иллатларни қоралайди, улардан узоқда бўлишга даъват этади:

Тутма бадгў бирла суҳбатким, ёмон сўз захридин,  
Неши занбўри киби ҳар дам берур озорлар<sup>23</sup>.

Унинг ахлоқий ғояларидан асосий мақсад комил инсонни тарбиялашга қаратилгандир. Зеро, В.Зоҳидов айтганидек, “Мунис ўз ижодидаги жиддий тарихий чекланишга, айрим зиддиятларга қарамасдан, ўша даврнинг муаззам инсонпарвар ва ватанпарвар шоирларидан бири бўлган”<sup>24</sup>.

Диссертацияда мутафаккир гуманизмининг тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги билан ажралиб туриши кўрсатиб ўтилган. Мунис Хоразмий келажак авлодни ичкиликбозлик, кашандалик каби иллатлардан ҳимоя қилишга чақирган. Хусусан, диссертант ана шундай иллатларни қоралаб ёзилган шоирнинг “Чилим” номли чистон-ғазали мисолида, ёшларни бундай фалокатдан узоқда бўлишликдан огоҳлантирганини таъкидлайди:

Ҳам қилур талхком, ҳам нафсин,  
Ҳам йиқар хушини қилиб мафқуд<sup>25</sup>.

Муниснинг ичкилик кишига жисмоний ва руҳий салбий таъсир қилиб, ахлоқий камолотга эришиш йўлидаги асосий тўсиқ бўлганлиги, май (шароб) ахлоқсизлик, одобсизлик, тубанлик, ўғирлик, худбинлик, фитна каби салбий

<sup>22</sup> Қаранг: Сафарбоев М. Огаҳийнинг сиёсий қарашлари. // Огаҳий абадияти. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – Б. 73-85.

<sup>23</sup> Мунис Хоразмий. Сайланма. // Нашрга тайёрловчи: Ю.Юсупов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б. 320.

<sup>24</sup> Зоҳидов В. Ўзбек адабиёти тарихидан. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1961. – Б. 133.

<sup>25</sup> Мунис Хоразмий. Сайланма. // Нашрга тайёрловчи: Ю.Юсупов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б. 331.

одатларга сабабчи деб ҳисоблаганлиги, шу сабабли бу иллатдан узоқ бўлишга даъват этганлиги далиллар билан ёритилган:

Шароб ичма, куйдирмагил димоғ абас,  
Бу фитна шуъласидин ёқмағил чароғ абас<sup>26</sup>.

Мунис Хоразмийнинг гуманистик қарашларида муҳаббат мавзуси алоҳида ўринга эгаллиги, инсонлар ўртасида ўзаро муҳаббатни энг юксак ахлоқий қадрият сифатида улуғланиши, севги изтироби, севмоқ, севилмоқ аслида меҳрли инсонларгагина хос эканлиги таҳлил қилинган.

Диссертант томонидан Мунис Хоразмийнинг диний ва тасаввуфий ғоялари таҳлил этилган. Мутафаккирнинг тасаввуфий ғоялари шу пайтга қадар чуқур ўрганилмаган эди, аксинча, ўрганилган хурфикрлик ғояларига бирёқлама ёндошиб, “атеизм” тамғаси босилганлиги очиб берилган ҳамда исломдаги хурфикрлиликка далиллар асосида аниқлик киритилган, шоир риёкор шайхларни танқид қилар экан, умуман динга қарши эмас, балки диннинг моҳиятини билмаганлиги сабабли, шариат қоидаларини бузиб бажараётган диндорларга қаршидир, деган хулосага келинган.

Шунингдек, фалсафа тарихида илк бор мутафаккирнинг тасаввуфий қарашлари таҳлил қилиниб, диссертант нафс ва уни тарбиялаш масалаларига оид Мунис ғояларининг бугунги кун учун тарбиявий аҳамиятини кўрсатиб берган.

